

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛИМОВ ОДИЛХОН РУСТАМОВИЧ

ТИШ ВА ИМПЛАНТАТЛАРДА ПРОТЕЗЛАШНИ ҚУЛФ КАЛИТ
БИРИКИШНИ ҚЎЛЛАНИЛИШНИ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ
БАҲОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Салимов Одилхон Рустамович

Тиш ва имплантатларда протезлашни кулф калит бирикишини
кўлланилишини клиник-функционал баҳолаш 3

Салимов Одилхон Рустамович

Оценка эффективности замкового крепления (аттачментов) зубных
протезов на естественных зубах и имплантатах 29

Salimov Odilkhon Rustamovich

Estimation of the efficiency of bar-fixation dentures (attachments) on
natural teeth and implants 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛИМОВ ОДИЛХОН РУСТАМОВИЧ

**ТИШ ВА ИМПЛАНТАТЛАРДА ПРОТЕЗЛАШНИ ҚУЛФ КАЛИТ
БИРИКИШИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ
БАҲОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.DSc/Tib345** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институти бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Акбаров Авзал Нигматиллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Kim Jeong In**
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Жанубий Корея)

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камилов Хайдар Пазылович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наварра ҳалқ университети (Испания)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида булиб утади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кучаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кучаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



(Handwritten signatures in blue ink)

Н.Қ. Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

О.Е. Бекжанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра “...ер юзи катта ёшли ахолисининг тахминан ярми (33 дан 65% гача) тишларининг протезли қайта ишловига, яъни тиш протезлаш орқали оғиз бўшлиғининг чайнов функциясини тиклашга муҳтож бўлиб, бунда жаррохлик стоматологияси тиш қаторлари қисман нуқсонларини протезлаш муаммосини хал этишда асосий ўрин тутди, бу орқали функционал юклама самарадорлиги ортади, юз эстетикаси яхшиланади, инсоннинг ижтимоий реабилитацияси ва ҳаёт сифати ортади»¹. 40-50 ёшга келган даврда ахолининг катта қисми одонтоген инфекция туфайли 4 тадан 11 тагача тишларини йўқотадилар. Ўз навбатида, “...бу мутахассислар олдида тиш протезлари турлари ва ортопедик конструкцияларини мукамаллаштириш масаласини кўяди»². Олинадиган тиш протезларидан фойдаланиш сони 13 - 29% ни ташкил этиб, бундан 3-13% беморлар тўлиқ адентия билан иккала жағларида тўлиқ протезлар тақиб юрадилар. «Сўнгги ўн йилликда адентизм камайишини кўрсатувчи олинадиган тиш протезларидан фойдаланиш камайиб бормоқда, ўз навбатида кўплаб беморлар қолдиқ тиш қаторларини сақлаб қоладилар ва олинувчи қисман протезлар ёки олинмайдиган реставрациялардан фойдаланадилар». Олинмайдиган реставрациялар қуйи қатламли давлатларда камроқ тарқалган. Агар бир нечта тишлар йўқ бўлса, у ҳолда одатда олинмайдиган протезларга алмашинади ёки умуман тулиқ алмашишга ўтилади. Агар кўп тишлар бўлмаса, олинадиган реставрациялар зарурати алмашинадиган тишлар сони ортиши билан ортиб боради.

Жахон амалиётида олинмайдиган реставрациялар ва олинадиган тиш протезларини қўллаш кўрсаткичига таъсир этувчи турли омилларни, ўз навбатида, протезга мослашиш даврида протез жойи шиллик қаватининг микробиологик ва функционал ҳолати хусусиятлари ва аниқ клиник шароитлар, конструкцион хусусиятлар ахамиятини ўрганишда долзарб бўлган этиологик сабаблар ва клиник-биомеханик аспектларнинг ўрганишга йўналган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Протезлаш бошладан олдин, суяк ичи имплантатларининг остеоинтеграцияси даражасини ўрганиш масаласи муҳим қизиқиш уйғотиб, қулфланган фиксация ёрдамида олинадиган протезлардан фойдаланишда математик моделлар ишлаб чиқиш ва тизимли ёндашувларни мукамаллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришининг замонавий босқичида тиш қаторлари нуқсонларини қисман протезлаш йўли билан даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар

¹ World Health Organization. Adentia: fact sheet no.18. World Health Organization. 2016. Oral health surveys – basic methods». www.who.int/oral_health

² Silva DNM, Couto EAB, Becker HMG, Bicalho MAC. Orofacial characteristics of functionally independent elders. *Codas*. 2017 Jul 20;29(4):e20160240; www.who.int/oral_health

ўтказилмоқда. Бу йўналишда, асосан, кўрсатиладиган юқори технологияли стоматологик ёрдам сифатини яхшилашда қониқарли натижаларга эришилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини мукаммаллаштириш учун бир қаторда табиий тишлар ва имплантатларда қулфли аттачмент тиш протезларидан фойдаланган ҳолда даволаш самарадорлигини мукаммаллаштириш бўйича клиник-биомеханик баҳолашнинг илмий-асосланган натижалари талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган³. Ушбу вазифаларни руёбга чиқариш, ҳамда тишларнинг протезли реставрациясига муҳтож бўлган беморларда замонавий ёндашувларни қўллаш орқали тиш протезларининг кенг қўлланиладиган ортопедик конструкциялар сифатини ва самарадорлигини ошириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракат стратегияси тўғрисида» ги Фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПФ-3071 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига махсус тиббий ёрдамни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”ги Қарори, ва ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фанлари ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертацион иш VI «Тиббиёт ва фармакология» Республика фанлари ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувафиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий текширувлар рўйхати.⁴ Адентия бўлган беморларда олинадиган тиш протезлаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртиларида олиб борилган, жумладан, Psychosomatic Dentistry Clinic, Dental Hospital, Tokyo Medical and Dental University (Tokyo, Japan); Universidade Federal de Minas Gerais - UFMG (Belo Horizonte, Brasil); Department of Dental Sciences, Vita Salute S. Raffaele University (Milan, Italy); Department of Periodontology and Oral Implantology, Dental Research Division, Guarulhos University (Guarulhos, Brazil); Department of Prosthodontics,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Soreide K, Thorsen K, Soreide JA. Predicting outcomes in patients with perforated gastroduodenal ulcers: artificial neural network modelling indicates a highly complex disease.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/29659470/>

<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC4298653/>

<http://www.jpertoneum.org/index.php/joper/view/73>

Peking University School and Hospital of Stomatology & National Engineering Laboratory for Digital and Material Technology of Stomatology & Beijing Key Laboratory of Digital Stomatology (Beijing, China); Oral Medicine and Periodontology, Faculty of Dentistry, Mansoura University, (Mansoura, Egypt); Department of Surgery and Integrated Clinic, Periodontology Division, University Estadual Paulista, Araçatuba (São Paulo, Brazil); Department of Restorative Sciences and Director of the Division of Prosthodontics, School of Dentistry, University of Minnesota, (Minneapolis, Minn); Center for Digital Technologies in Dentistry and CAD/CAM, Danube Private University, Krems an der Donau (Austria); Department of Prosthetic Dentistry, Center for Dental Medicine, Medical Center-University of Freiburg, Faculty of Medicine-University of Freiburg (Germany); Department of Reconstructive Dentistry and Gerodontology, School of Dental Medicine, University of Bern (Switzerland); Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги ФГБУ «Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги марказий илмий-текширув институти (Россия), Тошкент давлат стоматология институти (Тошкент, Ўзбекистон).

Аденция бўлган беморларда тўлик олинадиган тиш протезлаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли ечимлар таклиф қилинган, жумладан: керакли суяк тўқимаси етишмаслиги натижасида, катта ва кекса ёшдаги пастки жағ альвеоляр қисми ва юкори жағ альвеоляр ўсимтаси қисман атрофияси бўлган тишсиз беморларни даволашда амалий стоматологиядаги кўринарли ютуқларга эришилган (Department of Post Graduation-Universidade do Sagrado Coração (USC), Bauru Department of Oral Surgery, University São Leopoldo Mandic, Campinas, Brazil); жағнинг бир нечта ўқ, кўндаланг ва панорамали тасвирларини кўрсатувчи компьютер томография дастурлари ишлаб чиқилган, бу орқали радиологлар ва стоматологлар ўртасида ўзаро боғлиқланиш учун шароит туғилган (Yale University School of medicine, New Haven, USA.); тўлик адентияда жағ атрофияси, остеопорози патогенетик базис билан профилактикаси ва метафилактикаси ҳамда юз-жағ соҳаси анатомо-топографик пропорцияларининг ўзгаришларини олдини олиш исботланган бўлиб, суяк тўқимаси учун мутлақ функционал юклама ҳисобланиши исботланган (UOC Maxillofacial Surgery, Catholic University Medical School, Rome Maxillofacial Surgery Unit, Blocco Centrale, Orthognathic and Malformation Surgery, Casa di Cura Ospedaliera San Michele, Maddaloni, Italy); ётувчи тўқимага босим йўқлиги сабабли тишларнинг тўлик йўқотилиши оқибатида юз скелет ива уни ўраб турувчи юмшоқ тўқималар атрофияси, функционал бузилишлар чуқурлашиши аниқланган (Department of Dental Sciences, Duke University Medical Center, Durham, USA); тиш қаторларининг қисман нуқсонларини протезлашда дентал имплантатлар билан протезлаш илғор усул эканлиги аниқланган (Department of Prosthetic Dentistry, Center for Dental Medicine, Medical Center-University of Freiburg, Faculty of Medicine-University of Freiburg (Germany)); тиш қаторларида нуқсонларнинг бўлиши таянч тўқимасига юкломанинг тарқалишига олиб келиши исботланган, бу эса ортопедик конструкция танлашни инобатга олиш заруратини чақириши исботланган (Department of Reconstructive Dentistry and

Gerodontology, School of Dental Medicine, University of Bern (Switzerland).

Хозирги вақтда дунёда олинмайдиган реставрациялардан кенг фойдаланиш, олинадиган қисман протезлар сонининг ортиши ва тўлиқ протезлар сонининг кискариши кузатилмоқда; тўлиқ олинадиган тиш протезлаш натижаларини яхшилаш бўйича тадиқотлар олиб бориш давом этмоқда. Бироқ протез конструкциялар ишлашининг давомийлиги ортиши ва асоратлар сонининг камайиши муаммоси долзарблигича қолмоқда. Замонавий технологияларнинг пайдо бўлиши протезлашнинг анъанавий усулларини мукамаллаштириш ва оғир клиник шароитларда протез жойида янги ёндашувлар ва замонавий усуллардан фойдаланиш билан катта ва кекса ёшдаги беморларни даволаш муаммосини ўрганиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ортопедик стоматология ривожланишидаги ўсишларга қарамай, тўлиқ тишлари бўлмаган беморларни протезлаш мураккаб муаммолигича қолмоқда. Ўз навбатида, сўнгги 5 йилликда нафақадаги шахслар сонининг ортиши аҳоли орасида стоматологик хасталанишни 4.4% ортишига олиб келди, бу эса маҳаллий ва ёш гуруҳларига нисбатан 70-100% беморларнинг протезлашга мухтожлик кўрсаткичи ортишини кўрсатади. Шунга боғлиқ холда, аҳоли катта қисми стоматологик саломатлигини сақлаб қолиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Катта ва кекса ёшдаги шахсларда ортопедик стоматологик статус кўрсаткичларини яхшилаш муҳим саналади. Шу ердан, сўнгги йилларда мутахассисларлар томонидан ушбу муаммони ўрганишдаги пайдо бўлган қизиқишларини тушуниш мумкин⁵. Шунга кўра, (T.L.Aghaloo et al. 2016) ва (Q. Zhang et al. 2017) фикрича, тишларнинг тўлиқ бўлмаслиги юз-жағ тизимидаги анча морфо-функционал ўзгаришларга, ҳамда беморларнинг ижтимоий дезадаптациясига олиб келади. Муаллифлар қайд этишларича, кўп ишлатиладиган олинадиган тиш протезлари умумий миқдорининг 25% тўлиқ олинадиган пастинали тиш протезлари ташкил қилади. Ўз навбатида, (F.d'Arupuzzo et al. 2013) фикрича, турли сифатдаги конструкцион ихтироларнинг нисбий оғирлиги адентияси бор беморларнинг репротезлаш учун стоматологга қайта мурожаат этишни талаб этади. (I.Laleman et al. 2016)⁶ фикрича, тўлиқ олинадиган протезларда сунъий тиш каторларининг сифати, турғунлиги ва ретенционлигига эришиш даволашда яхши ва қониқарли натижаларга эришиш гарови бўлиб, бунда, чайновни, нутқ ва эстетикани тиклашда бевосита ўзаро боғлиқлиликни юзага келтиради.

⁵Heuberger S, Ulm C, Zechner W, Watzek G, Dvorak G. Effectiveness of subperiosteal bone anchor (Onplant) placement in the anterior highly atrophic maxilla for cross-arch prosthetic rehabilitation: Results from a pilot study. Eur J Oral Implantol. 2016;9(3):291-297.

https://www.researchgate.net/publication/308137231_Guided_Implant_Surgery_in_the_Edentulous_Maxilla_A_Systematic_Review <http://www.quintpub.com/sphider/search.php?query>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/23737704/>

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28232962/>

⁶ Laleman I, Bernard L, Vercruyssen M, Jacobs R, Bornstein MM, Quirynen M. Guided Implant Surgery in the Edentulous Maxilla: A Systematic Review. Int J Oral Maxillofac Implants. 2016;31 Suppl:s103-s117. <http://www.ijdr.in/article.asp?issn=0970-9290;year=2020;volume=31;>

<https://www.mendeley.com/catalogue/84aaa9bf-1b2d-3a9e-a5fc-836c265919bf/>

<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/books/NBK549861/>

Адентияси бўлган беморларни даволашдаги мухим жихатлардан бири протезларнинг мустахкамлигини таъминлаш бўлиб, жағларда протезлар фиксацияси учун оптимал омилларга эришиш, таянч конструкцияга бериладиган вертикал силжийдиган кучларни камайтириш, ҳамда тишлар артикуляцияси учун керакли шароитларни яратиш лозим ҳисобланади. (P.Jain et al. 2020) тадқиқот натижаларига кўра, тиш вертикал ўқининг альвеоляр ўсимтага нисбатан жойлашиши ва тиш чайнов юзасининг альвеоляр ўсимта чўққисига яқинлиги оғиз бўшлиғидаги тўлиқ олинадиган протезлар турғунлиги учун калит омиллар ҳисобланади. Муаллиф яна шуни таъкидлайдики, пастки жағ тиш протези одатда жағ асосида тўқима ўралиши майдони камлиги сабабли муаммоли ҳисобланади ва беморнинг функционал назорати остида бўлса, турғун ҳисобланади. (S.A.Negazy 2020) бошчилидаги тадқиқотчилар таъкидлашча, сунъий қаторлари реконструкцияси турли кўринишдаги окклюзияларда таянч тўқималарга чайнов босимини тарқалишига таъсир кўрсатади, протез жойига тўлиқ олинадиган протез асосининг мос келиши ва шиллик қаватнинг мойиллигини ҳисобга олган ҳолда, альвеоляр ўсимта атрофияси альвеоляр ўсимта чўққиси бўйлаб сунъий тишларга тўлиқ олинадиган тиш протезлари қўйиш билан аниқланади.

Адабиётлар таҳлили қисман тишларини йўқотган беморларнинг даволаш натижаларини қониқарли деб бўлмаслиги, бунда фиксациянинг турли кўринишлари билан протезлашнинг математик асослари ва танлов мезонларини аниқлаш, протезга мослашув даврида протез жойи шиллик қавати микробиологик ва функционал ҳолатини ўрганиш билан аниқ клиник шароитлар ва конструкцион хусусиятларни аниқлаш ва суяк ичи имплантатлар остеоинтеграцияси даражасини баҳолаш билан қўлфли фиксацияси қўллаш самарадорлиги таҳлил этиш ўта долзарб ва мухим муаммо эканлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот иши Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мос равишда проект шифри АТСС – 28.9 «Ўзбекистонда тиш имплантатларининг янги конструкцияларини яратиш, тажриба-клиник тадқиқотлар»; ИЗМВ – 2016-0914054354 «дентал имплантатларда тўлиқ ва қисман олинадиган протезларнинг мукамал қотириш тизимларини ишлаб чиқиш ва қўллаш» давлат грантлари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий тишларга ва имплантатларга тиш протезлари (аттачментларни) қўлфли қотириш самарадорлигини клиник-биомеханик баҳолаш йули билан техник аспектларини мукамаллаштиришдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

дентал имплантатларни қўлфли қотириш билан протезлашга бўлган мухтожликни аниқлаш;

қисман тишларини йўқотган беморларни комплекс текшириш алгоритм

ива турли кўринидаги фиксациялар билан протезлашнинг самарали танлов мезонларини ишлаб чиқиш;

протезларнинг конструкцион хусусиятлари ва аниқ клиник шароитларни инобатга олган ҳолда, олинадиган протезларни қўллашдаги клиник-математик асосларни ишлаб чиқиш;

протезга мослашув даврида ва уларни қўллашда протез жойи шиллик қавати микробиологик ва функционал ҳолатини баҳолаш;

протезлашгача суяк ичи имплантат остеоинтеграцияси даражасини баҳолаш;

бошқа олинадиган протезларни фиксациялашга нисбатан табиий тишлар ва имплантатларда қулфли фиксацияни (аттачментларни) қўллаш самарадорлигини аниқлаш;

қисман тишларини йўқотган беморлардаги енгил ва ўрта оғир даражадаги парадонтитда олинадиган протезнинг қулфли фиксацияни қўллаш самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оғиз бўшлиғи иккиламчи адентияси билан Тошкент давлат стоматология институтида текширув ва даволашда бўлган 186 та хасталанган беморлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети булиб иккиламчи адентияси бўлган беморларда маҳаллий ишлаб чиқилган имплантатларни қулфли қотириш йўли билан қабул қилинган даволаш тактикаси самарадорлигини ҳамда ушбу имплантатнинг тиббий-биологик хавфсизлигини аниқлаш натижаларини қиёсий таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумклиник, стоматологик, анропометрик, функционал, конусли-нур компьютер томография усули, математик моделлаш ва прогнозлаш ва статистик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаррохлик ва ортопедик стоматологияда қўллаш учун имплантатни олиб ташлаш заруратисиз тиклаш ишларини ўтказиш ёки шарли бош емирилганда, олинадиган протез алмашинувини таъминлаш имконини берувчи тиш протезлари учун таянч сифатидаги тиш имплантати модели яратилган;

имплантациянинг бир босқичли ва икки босқичли усулларида жағ суяк тўқимасига имплантат фиксацияси сифатини ошишини таъминловчи резбали майдоннинг узунлиги, шакллари, диаметри ва қадамлари билан аттачментлар билан тишли имплантат ҳамда овқатнинг травматик таъсиридан жарохат битиш соҳасини химоялаш модели ишлаб чиқилган;

конусли-нур компьютер 3D томография маълумотларига кўра яқин ва кечки муддатларда оғиз бўшлиғи тўқималари структурасининг динамик ўзгариши ва таклиф этиладиган имплантация соҳасида суяк тўқимаси ҳолатининг функционал хусусиятлари аниқланган;

олинадиган протезларни қулфли қотириш (аттачментлар) усулини қўллаш йўли орқали иккиламчи деформация билан асоратланган тиш қаторлари қисман нуқсонларини тиклаш усули такомиллаштирилган;

протезлар тизимининг математик моделлашуви – тиш қаторлари нуқсонларида протез жойи протез қотириладиган механикани аниқ қўллаш билан анатомик тузилишга яқин бўлган модели орқали тузиш асосланган;

илдизларнинг бўшлиқли жойлашиши, тиш қатори нуқсонлари ва пародонт касаллигини инобатга олган ҳолда қулфди тизим таянч элементлари силжишининг ҳисобли схемалари аниқланган;

қисман тишлари йўқотилган беморларни кламмерли ва қулфл фиксация тизимлари билан олинадиган протезлар билан тишларини протезлаш самарадорлигини баҳолашнинг гнатологик мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиш имплантацияси учун воситалар ассортиментларини кенгайтириш ва протезлашнинг бевосита натижаларини яхшилаш имконини берувчи қулфли фиксация билан протезларни (аттачментларни) ишлатиш билан тиш қаторларининг тўлиқ ва қисман нуқсонларини тиклаш усули ишлаб чиқилган;

имплантатни олиб ташламасдан, реконструктив амалиётларни ўтказиш имкони, ишончли фиксация, қўллашда қулайлик ва оддийлик билан характерланувчи таклиф этилган тиш имплантатларининг моделлари клиник самарадорлиги асосланган;

имплантат учун тавсия этилган жойни морфологик текшириш орқали суяк тўқимасини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган маълумотли мажмуа стоматологик имплантат самарадорлигини ошириш ва унинг асоратларини прогнозлаш имкони исботланган;

таклиф этилган қулфли қотиришнинг конструкцияси чайнов юкламасининг рационал тарқалишини таъминлаши, тишларнинг ҳаракатчанлиги ва сурилиши хавфини камайтириши, турли даражадаги суяк тўқимаси атрофиясида пародонт тўқимасига юкламанинг тушишини камайтириши аниқланган;

сақланиб қолган тишларнинг патологик сурилишларида қулфли қотиришнинг мукамал моделини қўллаш олинадиган протезларнинг мустахам фиксацияси, тишлар ва имплантатларда аттачментнинг ишончли иши ҳисобига тишларни эрта олиб ташлаш хавфи камайиши исботланган;

клиник манзарага максимал ёндошган ҳолда протез жойи тўқималари деформациясини аниқлаш имконини берувчи яқка турган ва таянч тишлари орасидаги емирилган ҳолатларда қулфли тизимнинг олинадиган қисми суяк ичи силжиши математик моделлари яратилган;

қисман тиш йўқолиши билан асоратланган пародонтнинг тарқоқ касалликлари билан хасталанган беморларда ишлаб чиқилган даволаш тактикаси алгоритминини қўллаш орқали бундай беморларда аъанавий ортопедик даволашни, ҳам стоматологик имплантацияни режалаштиришга комплекс ёндашув имконини бериши исботланган;

қисман тиш йўқолиши билан асоратланган пародонтнинг тарқоқ касалликлари билан хасталанган беморлар реабилитацияси сифатини ошириш учун ортопедик даволаш алгоритм турларига асосланган эксперт тизим комплексларини қўллаш зарурлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти шкндан иборатки, беморлар ҳолати, замонавий даволаш ва таъхисот усуллари, аниқ услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил танловларини баҳолашнинг объектив мезонларини қўллашга асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалларда ўтказилди. Барча олинган натижалар ва ҳулосалар далилларга асосланган тиббиёт асосларига асосланган. Статистик қайта ишлов олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқотнинг илмий ахамияти шундаки, олинган натижалар таклиф этиладиган имплантация соҳасида суяк тўқимаси ҳолатининг функционал хусусиятларини аниқлаш ва конусли-нур компьютер 3D томография маълумотларига кўра протезлашдан сўнг яқин ва узоқ муддатлардаги оғиз бўшлиги тўқимаси структурасининг динамик ўзгариши, тиш қаторлари нуқсонларида протез жойида протез тизимининг математик моделини яратиш, илдизларнинг бўшликли жойлашишига кўра, қулфли тизим таянч элементларининг сурилиши ҳисоблаш схемаларини аниқлаш, қисман тишлари йўқотилган беморларни кламмерли ва қулфли фиксация тизимлари билан олинадиган протезлар билан тишларини протезлаш самарадорлигини баҳолашнинг гнатологик мезонлари аниқлаш ҳисобига тишларнинг протезли реставрацияси муаммосини ҳал этишда муҳим ҳисса қўшади.

Тадқиқот амалий ахамияти шундаки, қисман тиш йўқотилиши билан асоратланган пародонтнинг тарқоқ касалликлари билан хасталанган беморларда тиш қаторларининг тўлиқ қисман нуқсонларини табиий тишлар ва имплантатларда қулфли фиксация (аттачментлар) билан протезларни қўллаш ҳамда чайнов юкламасини рационал тарқалишини таъминлаш мақсадида уларнинг клиник самарадорлигини асослаш, тишларнинг сурилиши ва ҳаракатчанлигининг пайдо бўлиши хавфини камайтириш, суяк тўқимаси турли даражадаги атрофияларида пародонт тўқимасига келиб тушадиган юкламанинг камайиши орқали даволаш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи адентия билан беморларларга кўрсатиладиган юқори технологик ёрдам сифатини яхшилаш ва маҳаллий дентал имплантатларни қулфли қотириш йўли билан уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Пародонтнинг тарқоқ касалликларида имплантатларни қулфли қотириш билан протезлашга комплекс ёндашув» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-з/102-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиялар қисман тиш йўқотилиши билан асоратланган пародонт касалликлари бўлган беморлар реабилитацияси сифатини яхшилаш ва ортопедик даволаш турини режалаштиришга асосланган эксперт тизим комплексини қўллаш имконини берган;

«Дентал имплантатларда тўлиқ ва қисман олинадиган протезларнинг қотириш тизимларини қўллаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-з/102-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар тиш имплантатлари учун ассортимент воситаларини кенгайтириш ва пародонтнинг тарқоқ касалликларида протезлаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

«Пародонт касалликларини даволашда тиш ва имплантатларга қулфли қотиришни қўллаш билан ортопедик даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-з/102-сон маълумотномаси). Пародонт касалликларини даволашдаги таклиф этилган ушбу алгоритм ҳам анъанавий ортопедик даволаш, ҳам стоматологик имплантацияни режалаштиришга комплекс ёндашувни тадбиқ этиш имконини берган;

махаллий конструкция билан табиий тишларга ва имплантатларга тиш протезларини қулфли қотиришни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиетига, хусусан, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент шаҳар Стоматология поликлиникаси №5 ГУП ва Тошкент.ш. Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-з/102-сон маълумотномаси) тадбиқ этилган. Жорий этиладиган натижалар ташхисот сифатини ошириш ва ортопедик даволаш тактикасини режалаштириш, тиш протезларига аттачментларни қўллаш кўрсатмаларини кенгайтириш, протезлашда 27% фиксацияни таъминлаган холда рельсли боғланишлар бўйлаб пародонтдаги таянч тишларига тушадиган юкламани камайтириш ва барча бўшлиқлардаги протезларнинг мустахкамлигини таъминлаш имконини берган, бу эса дентал имплантациялардаги асоратлар сонининг қисқаришига ва пародонтнинг тарқоқ касалликлари бўлган беморларни самарали реабилитациялаш кўрсаткичини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий конференцияларда, хусусан, 4 та халқаро ва 9 та маҳаллий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, 11 та мақола, шулардан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган. Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан ташкил топган. Иш ҳажми 197 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги ва талабгорлигига асосланган бўлиб, унда тадқиқот объектлари ва

предметлари мавжуд, ишнинг республика илм ва технологияларининг устувор йўналишлари билан мослиги кўрсатиб ўтилди, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилди, олинган тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилди, диссертация тузилиши ва чоп этилган ишлар бўйича маълумотлар, тадқиқот натижалари амалиётга тадбиқ этилди.

Диссертациянинг **«Тишларни ва имплантатларни қулфли қотиришдан фойдаланган холда жағларнинг иккиламчи адентияси бўлган беморларга ортопедик ёрдам кўрсатишнинг замонавий аспекти»** номли биринчи боби асосида маҳаллий ва хорижий адабиётда асосида иккиламчи адентия оқибатида юзага келган нуқсонларни тиклаш муаммолари таҳлил этилган. Қулфланган қотиришли имплантатлардан фойдаланиш тўғрисида кенг қамровли илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Чайнов функцияларини тиклаш учун дентал имплантатлардан фойдаланиш жаррохлик ва ортопедик стоматологияда кенг қўлланилиши асосланган. ASTM ва ISO (ИСО халқаро ва америка ASTM стандартлари), стандартларига мос равишда фиксацияланувчи тизим ва дентал имплантацион тизимлар турлари, уларнинг қулайликлари ва камчиликлари баён этилган. Имплантацион тизимлар ёрдамида тиш қаторларини қайта тиклашнинг кейинчалик тадқиқ этилишини талаб этувчи муҳокамали саволлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материали ва тадқиқот усуллариининг умумий тузилиши»** номли иккинчи бобида текширилувчи беморлар тузилиши келтирилган. Тадқиқот учун қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда, чекланган нуқсонли ва тиш қаторлари тўлиқ бўлмаган 186 та беморларни комплекс текшириш ва суяк ичи имплантатларидан фойдаланган холда қулфли фиксация (аттачментлар) билан даволаш ўтказилган. Имплантация асосан эркакларга нисбатан (78 эркак), аёлларда (108 бемор аёл) ўтказилган бўлиб, ташрихлар асосан, 30-50 ёшгача бўлган шахсларда, пастк жағда – 54,0% клиник холатда, юқори жағда -46,0% холатда бажарилди. Жами 196 суяк ичи имплантатлари тизими: «AlfaBio»-51 (26,0%); «Osstem-implant» - 90 (45,9%), «Impro-bio» - 53 (27,0%) ва «Alpha-dent» - 2 (1,02%) ўрнатилди.

Режалаштирилаётган имплантация хусусиятларига таъсир кўрсатувчи омиллардан имплантатлар миқдори, уларнинг ўлчамлари ва шаклларини аниқлаш учун зарур бўлган тиш қаторлари нуқсонлари масофасига алоҳида эътибор қаратилди. Барча беморлар орасидан 54 холатларда (29,0%) битта тиш йўқлиги, 48 холатда (25,8%) иккита тиш, 45 та беморда (24,2%) турли жойларда тир неча тишлар йўқлиги билан комбинациялашган нуқсонлар аниқланди. 39 холатда, яъни 21,0% беморлар тўлиқ тиш йўқлиги билан мурожаат қилдилар. Ушбу омилнинг (нуқсоннинг масофаси ва локализацияси) имплантация соҳасидаги тўқималарнинг жараёнга мослашувига таъсир кўрсатишидаги бевосита аҳамиятини инобатга олган холда, стоматологик ёрдам кўрсатиш тактикаси бўйича беморларни

таксимлаш асосида, яъни ортопедик ва имплантологик даволаш турлари бўйича олинди:

I гуруҳ – 54 та беморлар, уларга имплантациясиз кулфли қотиришли бюгелли протезлар тайёрланган;

II гуруҳ - 48 беморларда табиий тишларга кулфли қотиришли (аттачмент билан) таянчли протезлар қўлланилди;

III гуруҳ - 45 беморларга табиий ва имплантатларга таянчли кулфли қотириш билан (аттачмент) протезлар тайёрланди. Ушбу гуруҳдаги беморларда махаллий тиш имплантати хусусий конструкцияли аттачментдан фойдаланилди;

IV гуруҳ - 39 беморларда имплантатларга таянчли аттачментли протезлар ишлатилди.

Олинган маълумотлар ўрта арифметик санаш (M), ўрта кватрат силжиш (σ), стандарт хато (m), нисбий катталиклар (частота, %) билан статистик таҳлил дастури билан қайта ишланди. Статистик сонларнинг аниқлиги $p < 0,05$ текширилди.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг хусусий натижалари» номли учинчи бобида қисман тишлари бўлмаган беморларнинг стоматологик статусини баҳолаш натижалари келтирилган. Ушбу таҳлил асосида пародонт томонидан яллиғланишли ўзгаришларни баҳолашда кенг қўлланиладиган, айнан, пародонтал индекс (Russel), гигиеник ҳолат (Quqley-Hein индекси) ва милкларнинг қонаш даражаси ва мавжудлиги (Muhlemann-Cowell бўйича) стандарт мезонларни аниқлаш келтирилди.

Пародонтдаги ўзгаришлар даражасига кўра, объектив таҳлил учун беморлар тадқиқот учун 3 гуруҳга ажратилди:

I гуруҳ - Quqley-Hein индекси протезлаш бошлангунча 1,67 ташкил этди ва касалликнинг енгил даражасига мос келди;

II гуруҳ - Quqley-Hein индекси протезлаш бошлангунча 2,25 ташкил этди ва касалликнинг ўрта оғирлик даражасига мос келди;


III гуруҳ – индекс амалиётгача юқори 2,58 ташкил этган бўлиб, пародонтитнинг оғир даражасидаги тўғри келди.

Қиёсий жихатдан учинчи гуруҳдаги аниқланган қоникарсиз ҳолатдаги беморлар орасида гигиеник индекс 2,38 ташкил этди. Бунда Quqley-Hein бўйича кўрсаткич қиёсий жихатдан биринчи гуруҳга нисбатан 2,03 баробар юқори бўлиб, биринчи гуруҳда ушбу кўрсаткич ўртача 1,28 ташкил этди ҳамда иккичи гуруҳдаги беморларда 1,47 баробар юқорилиги аниқланди (1,75). Динамикада Quqley-Hein индекси протезлашдан сўнг 3 ойлик кузатув муддатида I гуруҳда максимал равишда - 1,6 баробар пасайди. Ўз навбатида, II гуруҳда ушбу кўрсаткич фактик жихатдан ўзгармади, учинчи гуруҳда эса 1,3 баробарга камайганлиги кузатилди.

Енгил даражадаги пародонтит ташхиси бўлган беморларда ортопедик даволаш тугатилгандан 6 ойдан сўнг, милклар қонаши кўрсаткичи (Muhlemann-Cowell индекси) даволаш тугатилгандан 3 ойдан кейинги олинган натижаларга солиштирилганда, 3,8 марта ортган бўлиб, II гуруҳда –

1,5 баробарга, учинчи гуруҳда эса, аксинча, 1,8 баробарга пасайганлиги аниқланди.

Ортопедик даволашдан кейинги 6 ой ўтгач, Russel пародонтал индекси ортопедик даводан кейинги 3 ой ўтгандаги ушбу индекс кўрсаткичларига солиштирилганда, I гуруҳдаги беморларда 1,2 баробарга ортганлиги, II гуруҳда 1,4 баробарга ортганлиги, III гуруҳда эса янада катта ўсиш - 1,5 баробарга ортиш аниқланди. Гигиена индекси, Russel индекси ва Muhlemann-Cowell индекси корреляция ҳисоблаш бўйича таҳлил этилганда, энгил даражадаги пародонтит ҳолатида гигиена индекси Russel индекси билан кучсиз (ташриҳгача 0,68 корреляция коэффиценти билан (расм 1а) ва амалий жихатдан протезлашдан сўнг 3 ой ўтгач, корреляцияланмади (корреляция коэффиценти 0,36) (расм 1б) ҳамда ортопедик даводан 6 ой ўтгач корреляцияланмади (расм 1в).




A – ортопедик давогача; Б – протезлашдан 3 ой ўтгач; В – ортопедик даводан 6 ой ўтгач.

Расм 1. Гигиена индексининг миқдорий аҳамияти


Тадқиқот давомида имплантат ўрнатиладиган соҳадаги суяк тўқимаси ҳолатини баҳолаш натижалари ўрганилди. Емирилиш жараёнларини тўлиқ кўрсатувчи ва суяк тўқимасини миқдор жихатдан яққоллилигини таъминловчи суяк тўқимаси фрагментларини микроскопик текшириш алгоритмининг таклиф этдик. Биз таклиф этган усул бўйича эбурнеация ва рарефикация ҳақида фикр юритиш имконини берувчи асосий структур мезонлар бўйича балли баҳолаш ишлаб чиқилди. Барча танлаб олинган параметрлар 3 баллик тизимда баҳоланди: кучсиз намоён бўлган белги – 1 балл, ўрта - 2 балл; кескин намоён бўлган белги – 3 балл. Гаверс каналчаларининг (ГК) нормал ўлчамлари суяк тўқимаси сўрилиши ҳисобига катталашини ва уларнинг деворига янги суяк массалари ёпишиши ҳисобига камайиши мумкин. Беморлардаги керакли маълумотларни олиш учун микроскопнинг 10 кўрув майдонидаги объект-микромметрда 270 марта катталаштирган ҳолда, беморлардаги ГК диаметрини мкм ларда ўлчадик.

Импантация бўйича клиникага мурожаат қилганларни балли тизим бўйича баҳолашнинг рақамли кўрсаткичлари солиштириб кўрилганда,

рарефикация белгилари бўлган беморлар (54,2%) устун бўлиб, эбурнеация белгилари бўлган беморлар камрок кузатилди (30,8%) ва меъерий кўрсаткичдаги беморлар эса 15,6 ташкил этди (расм 2)



а



б

Расм 4. Микросурат а) Гаверс каналларининг кенгайиши; б) Гаверс каналларининг торайиши (суяк эбурнеацияси). Кесманинг гематоксилин эозин билан бўялиши.


Олиб борилган гистологик тадқиқотдан кўриниб турибдики, турли ўлчамдаги 2 гуруҳдаги беморлар аниқланди. I гуруҳдаги беморлар (35 кузатув – 54,7%) устун бўлиб, улар учун, улар учун гаверс каналлари кенгайиши, суяк устунларининг ингичкалашиш белгилари, кам сонли «ёпишиш чизиғи»нинг нозик жойлашиши, суяк хужайра элементларининг кучсиз пролиферацияси, коллаген толаларининг кам синтезланиши ва остеоидга камбағал ёпишиши хослиги аниқланди.. Умуман олганда, бу гуруҳни ташкил этувчилар нафақат рарефикация белгилари билан, яъни остеопороз билан, балки артериола тўқимаси фиброзида қон кам бўлиши ва реологик бузилишлар ҳисобига суяк хосил бўлишида кучсиз потенция билан фарқ қиладилар.

Иккинчи гуруҳдаги беморлардаги эбурнеация белгилари (22 кузатув – 34,4%) гаверс каналлари торайиши, ғовакли кават суяк устунларининг қалинлашиши, зич жойлашган «ёпишиш чизиқлари»нинг кўплиги, суяк хужайраларининг қисман пролиферацияси ва коллаген толалари қисман синтези билан фарқ қилади. Суяк тўқимаси нормал тузилишда бўлган беморлар кам кузатилди (7 кузатув – 10,9%).

Шундай қилиб, морфологик белгиларни суяк тўқимаси емирилиши ёки, аксинча пайдо бўлишидан далолат берувчи доминант комплекси билан 2 гуруҳга ажратиш талаби юзага келади..

Хозирги кунда жағнинг тишсиз соҳасидаги суяк тўқимаси зичлигини ҳамда пародонт касалликлари бўлган беморларда суяк тўқимаси зарарланиши даражаси ва хаарктерини ўрганиш имконини берувчи энг ишончли усул – конусли-нур компьютер томография (КНКТ) ҳисобланади.

Қисман йўқотилган тишларни имплантация қўллаш билан ортопедик даволашга кўрсатмаларни аниқлаш мақсадида 178 та томограмма таҳлил этилди. (расм 3).




Расм 3. Сақланган тишлар соҳасидаги КНКТ маълумотлари асосида суяк тўқимаси зичлигини ўлчаш натижалари

Пародонтда турли даражадаги жараёнлар бўлган беморларда суяк тўқимаси зичлигини ўрганиш, альвеоляр ўсимта баландлиги ва калинлигини ўлчаш асосида тиш қаторларида нуксонлари бўлган беморларни имплантацияга аниқ кўрсатмалар ҳамда кейинчалик протезлашга олиб боришга сабаб бўлувчи қонуният аниқланди.

Протезлаш фонида микроциркуляция кўрсаткичлари натижалари қиёсий жиҳатдан нафақат давогача, балки назорат гуруҳидаги соғлом одамларда ҳам объектив қабул қилинд. Бирламчи текширувда микроциркуляция кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан куйирок бўлиб, меъерий кўрсаткичларга – $25,16 \pm 6,8$ қараганда $22,84 \pm 5,3$ ташкил этди. Ушбу кўрсаткичнинг динамикада протезлашдан кейин ўсиши кузатилди. имплантациядан сўнг 6 ой ўтгач, пародонтдаги ўзгаришлар даражасидан қатъий назар, ушбу кўрсаткичнинг ўртача қиймати $41,23 \pm 7,2$ ташкил этди.

Тадқиқот давомида оғиз бўшлиғи шиллик кавати мувофиқлигини аниқлашнинг математик моделлаш чизиксиз хусусиятдаги аниқланди, яъни таранглилик модули ва кўндаланг деформация коэффициенти деформация

даражасига караб ўзгаради. Хисоблашни ўтказиш ушбу кўрсаткичларни ўртача кийматлаш билан соддалаштирилди (кўндаланг деформация коэффиценти $V = 0.1$), 1-қатордаги таранглик модули $2E = 0.5 \text{ кг/мм}$). Базали математик модель пастки жағ фрагментини – ўзида 2 та тиш (таянч ёрдамчи тиш ва биринчи премоляр) ва тишсиз альвеоляр ўситмали шиллик қават эгриликни тутади. Оғиз шиллик қаватига протез базисининг зич ёпишиши учун мавжуд ва сарфланган шароитда математик моделнинг каттик ва резилент кўринишлари хисоблаб чиқилди. Моделлаш жараёни асосида 3 та модель аниқланди: таянч тишларга каттик ёпишадиган олинувчи протез биомеханикаси, бунда шиллик қаватга протез базиси зис ёпишади; шиллик қаватга протез базиси зич ёпишганда, таянч тишларига олинадиган протезларнинг резилент қотириш биомеханикаси (расм 4); вертикал юкламада олинадиган протезнинг қаттик қотириш биомеханикаси. Протез базиси ва шиллик қават орасидаги оралик 0.3 мм ташкил этди.



Расм 4. 2 Математик модел хисоблаш натижалари (резилент фиксацияли протез, оралик 0,3 мм): а – протез базисининг сурилиши; б – альвеоляр ўсимтада У ўқи бўйича кучланишнинг тақсимланиши

Математик моделлаш натижаларига кўра, протез ва таянч тишларининг каттик бирикишида ҳамда протез базиси ва шиллик қават орасидаги минимал ораликда таянч тишларининг асосдан сурилиши кузатилади (0.16 мм). Протез базисини шиллик қаватга киритиш текис бўлмади (мезиал қирғоқ 0.22, дистал қирғоқ эса – 1.2 мм масофадан киритилди). У ўқи бўйича тишсиз альвеоляр ўсимтада таранг кучланишларнинг тақсимланиши шиллик қават эгрилиги соҳасида вертикал юклама мавжудлигидан дарак беради, тахминан 0.352 кг/мм^2 ташкил этди. Таянч тишлардаги таранглик кучланиши - 4.624 кг/мм^2 , зичланиш - 2.312 кг/мм^2 ташкил этди. альвеоляр суякдаги У ўқи кучланиши - 0.826 дан 0.695 кг/мм^2 ташкил этди. Эквивалентли кучланишлар сони - 0.625 кг/мм^2 кўрсатди.

Тиш қаторлари бутунлигининг тикланиши нафақат маҳаллий микроциркуляциянинг яхшиланиши билан, балки мушак аппарати функционал фаоллиги нормаллашуви билан ҳам намоён бўлади. Меъёрда (назорат гуруҳида), одатда, физиологик тинчлик ҳолатида турли гуруҳдаги чайнов мушакларининг синхрон (бир хил) қисқариши кузатилади. Ушбу

гурухда жағлар бир-бирига текканда, хусусан чайнов мушаклари ЭМГ фаоллиги ўнг томонда $635,4 \pm 23,2$, чап томонда $603,5 \pm 28,2$ мкВ ($p < 0,05$) ташкил этди. Ўз навбатида, марказий окклюзия соҳасида ушбу кўрсаткич чакка мушакларида ўнгдан - $388,4 \pm 32,2$ ва чапда $385,3 \pm 35,2$ мкВ ($p < 0,05$) ташкил этди. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, мушакларнинг функционал фаоллигини қисман тиклаш олинадиган протезларни қотириш билан фиксациянинг қулфли тизими модели қўлланилган беморлар гуруҳида кузатилди.

Тадқиқот давомида қисман тишлари йўқотилган беморларда фиксациянинг кламмерли ва қулфли тизимини қўллаш билан даволаш натижалари таҳлил этилган. Ортопедик даволаш режасини тузиш вақтида пародонтал чўнтақлар чуқурлиги 1-3 мм ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич тиш қаторлари нуқсонларини чегараловчи таянч тишларида яққол намоён бўлди. Бу тишларнинг ортопантограммаларида горизонтал шаклдаги илдизлараро тўсиқ резорбцияси кузатилди. Имплантатларга қулфли қотиришли (аттачмент билан) ортопедик конструкциялар қўйилгандан кейин 6 ой ўтгач, барча беморларда гингивит белгиларининг ва тишларнинг патологик қимирлаш даражаси пасайганлиги кузатилди, ушбу даволаш самарадорлигига кўра, биз томондан таклиф этилган опротезларни даволаш аппаратлари деб аташ мумкин. 5 йил илгари қўйилган протезлардан кейинги милкларнинг яллиғланиши ва тишларнинг қимирлаши кўрсаткичлари солиштириб кўрилганда, даволаш аппаратлари қўйилган кўрсаткичлар билан деярли бир хил бўлиб, бюгелли протезларни кламмерли фиксациялашдан ташқари, барча даволаш аппаратларида даволашнинг мусбат самараси аниқланди.


Диссертациянинг «**Қулфли қотиришнинг (аттачмент) рационал конструкциясининг лойихалаштириш**» номли тўртинчи бобида жағ суяк тўқимасига ишончли фиксацияни таъминлаш учун ишланмалар тақдим этилган.

Кўплаб имплантатлар тизими олинмайдиган аттачмент (шарли бошча билан) бажарилган бўлиб, эксплуатация жараёнида аттачмент деформациясида ёки емирилишида жиддий муаммо туғдиради, айрим ҳолларда аттачмент юзасига ишчи ҳолатда минерал чўкмаларнинг ёпишиши ҳисобига уларнинг эскиришини тезлаштиради. Шуларни инобатга олган ҳолда, асосий вазифа қўллашда қулай, бажариши оддий, олинадиган юмалоқ бошли тиш имплантатини яратиш, ҳамда тиш имплантациялари ассортиментлари воситаларини кенгайтириш бўлди. Олдимизга қўйилган вазифа орқали винт кўринишидаги тиш имплантати суяк ичи қисмида резъбали стерженли соҳа ва текис юзага эга бўлиб, суякдан ташқари коронка учун бўлган қисми эса шарли бошча билан винт билан бирикадиган тўғри бурчакли параллелипипед кўринишида яратилди, у эса шарли бошча билан винт орқали бирикади, аттачмент элементи бўлиб хизмат қилади. Қулфли қотиришли қисман олинадиган протез конструкциясини мукамаллаштириш мақсадида биз томондан тиш имплантининг хусусий конструкцияси таклиф этилди (фойдали модель учун патент FAP № 01100).

Фойдали модель моҳияти шундаки, вин кўринишидаги тиш имплантати

резьба билан стержен сохаси кўринишдаги суяк ичи қисмдан ва силлик юзали суякдан ташқари қисмлардан иборат бўлиб, бунда суякдан ташқари қисми тўғри бурчакли параллелипед кўринишида бажарилган, шарли бошчага винт орқали бириккан (расм 5). Суяк ичи ва суякдан ташқари қисмлар бир бутунликда бажарилди.

Ушбу кўринишдаги имплантатнинг 3 та варианты таклиф этилди. Биринчи имплантат (расм №6 а) 20 мм узунликда бўлиб, суяк ичи қисми 2,0 мм баланликдаги цилиндр шаклида а асос диаметри 4.0 мм, резьбали жойи 1,0 мм ва 0,75 мм, сегмент кўринишидаги диаметри 1,6 ва 1,8 мм учи билан бажарилган, тўғри бурчакли параллелипед шаклидаги сохаси эса баландлиги 2,5 мм ва узунлиги 3,0 мм, 7 диам. шарли бошчали (2,5) винт баландлиги 6 мм, 4,5 мм ташкил этди.



Расм 5. Шарикли қулф бошчаси (аттачмент)

Иккинчи имплантат (расм №6 б) узунлиги 20 мм бўлиб, суяк ичи қисми цилиндр кўринишида баландлиги 2,0 мм ва асос диаметри 2.8 мм, резьбали жойи 1,0 ва 0,5 мм, сегмент кўринишдаги учи энг кичик диаметрда 1,8 ва 1,6 мм бажарилган бўлиб, суякдан ташқари тўғри бурчакли параллелипед шаклидаги сохаси эса 2,2 мм баландликда, узунлиги 2,0 мм, 7 диам.шарли бошчали (1,7 мм) 6 винт баландлиги 4,7 мм ташкил этди.

Учинчи имплантат (расм №6 в) суяк ичи қисми цилиндр кўринишида 22 мм узунликда ваасос диаметри 4,0 мм, резьбали жойи 1,0 ва 0,75 мм, резьба учи конуссимон уч билан диаметри 2,2 ва 2,0 мм кўринишида бажарилган бўлиб, суякдан ташқари тўғри бурчакли параллелипед шаклидаги сохаси эса 2,5 мм баландликда, узунлиги 3,0 мм, 7 диам.шарли бошчали (2,5 мм) 6 винт баландлиги 5,5 мм ташкил этди.

Таклиф этилган тиш имплантатлари ўзининг талабгорлик хусусиятига эгалиги ва турли клиник вазиятларда ҳамда олинадиган ҳам олинмайдиган тиш протезларини фиксациялашда қўлланилиши мумкин.

Иккинчи премолярга қотирилган сохага нисбатан, биринчи премолярга қулфли бириккан сохада шаклланган кучланиш каттароқ бўлиб, кўрсатиб ўтилган боғланишнинг мустахамлигини кўрсатди. Бунда ўрнатиладиган сохадаги юклама максимал чайнов юкламадан ортмаслиги, ўртача 200 Н тенглиги ҳисобга олинди. Функционал юкламалар учун шароитлар ҳам эътиборга олиниб, патрица торцлари юзасида текис тасимланди, 222 Мпа тенг бўлди, протез танаси эса модел қуйи юзасига каттик қотирилди.




Рис. 6. Тиш имплантатлари кўринишлари

Тадқиқот давомида қўйидаги натижалар олинди: максимал интензивлик, шакланган кучланишлар 4,75 Мпа тенг бўлиб, конструкциянинг юқори мустаҳкамлигидан дарак беради;

- максимал функционал кучланишлар тиш юзалари ва қулф патрицалари торцлари орасида тўғри бурчакда ҳосил бўлган концентратор соҳасида юзага келади. Конструкцияни моделлашда кўрсатиб ўтилган кучланишлар сатҳини пасайтириш учун тиш юзалари ва қулф патрицалари торцлари орасидаги шакланган бурчакларни, юзаларни текислаш (юмалоқлаштириш) лозим.

Диссертациянинг бешинчи бобида «**Тишлар ва имплантатларга қулфли қотириш билан (аттачментлар) дентал имплантатлар тизимларини ишлаб чиқиш натижалари**» келтирилган. Имплантат учун операцион сохани тайёрлаш жойидаги суяк тўқимасини гистологик текширишдан иборат бўлган бирламчи информацион комплекс ишлаб чиқилган бўлиб, стоматологик имплантацияни режалаштириш ва унинг манфий оқибатларини шубҳа қилишда қўлланилиши мумкин. Морфологик мезонларнинг яққоллилик даражаси 1 дан 3 баллгача бахоланди: кучсиз намоён булган белги – 1 балл, ўрта - 2 балл; кескин намоён бўлган белги – 3 балл га тўғри келди. 13 дан 25 суммар балл орқали имплантация соҳасида суяк тўқимаси ҳолатини “қоникарли” деб бахоланди ва имплантатнинг мушбат битганлигидан дарак берди, умумий олинган 40 балл да эса суяк тўқимаси ҳолати ёмон деб бахоланди, имплантациянинг манфий натижаси 22

